

121 -сон 2020 й. "02" ноябрь

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодиёт фаолияти миллий банки»
акциядорлик жамияти Бошқаруви
баённомаси билан

“Келишилди”

40 -сон 2020 й. "04" ноябрь

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодиёт фаолияти миллий банки»
акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши
баённомаси билан

“Тасдиқланди”

108-в -сон қайд рақами 2020 й. "04" 11

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЁТ
ФАОЛИЯТИ МИЛЛИЙ БАНКИ» АЖ**

ДИВИДЕНД СИЁСАТИ

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. СИЁСАТ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	3
III. ДИВИДЕНДЛАРНИНГ МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ТЎЛАШ ҲАҚИДА ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ (ЭЪЛОН ҚИЛИШ) ТАРТИБИ.....	4
IV. ДИВИДЕНДЛАРНИ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА ШАХСЛАР	5
V. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ.....	5
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	6

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Дивиденд сиёсати (бундан буён матнда – «Сиёсат») «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда - «Банк») Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида», «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа ҳужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ва акциялар бўйича дивидендларнинг миқдори, уларни тўлашнинг шартлари, тартиби ва муддатлари ҳақидаги тавсияларни ишлаб чиқиш бўйича Банк стратегиясини белгилайди.

1.2. Мазкур сиёсат Банк инвестициявий жозибадорлиги, молиявий барқарорлиги ва капиталлаштирилишини ошириш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави ва унинг ички ҳужжатлари билан кўзда тутилган акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш ва риоя қилишга асосланади.

1.3. Мазкур сиёсатга мувофиқ, акциядорларга тегишли акцияларнинг сони ва турига пропорционал тарзда улар ўртасида тақсимланувчи Банк соф фойдасининг қисми дивиденд ҳисобланади.

1.4. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарори бўйича дивидендлар акциядорларга пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари, ёхуд Банк қимматли қоғозлари билан тўланади. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича қимматли қоғозлар билан дивидендларни тўлашга йўл қўйилмайди.

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарори бўйича, дивидендларнинг келгуси тўловлари ҳисобига сарф-харажатлар ўтказилиши мумкин.

1.5. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларнинг тўлови ҳақида қарорни қабул қилиш Банк акциядорларининг ҳуқуқи ҳисобланади. Банкнинг жойлаштирилмаган акциялари бўйича дивидендлар тўланмайди.

1.6. Эълон қилинган дивидендларнинг тўлови Банк мажбурияти ҳисобланади. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ дивидендларни олиш ҳуқуқига эга акциядорлар олдида ушбу мажбуриятларнинг ижро этилмаслиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

1.7. Банк акциядорларга тегишли акциялар бўйича уларга дивидендларни тўлашда солиқ агенти ҳисобланади. Банк дивидендлардан солиқларнинг ҳисоб-китоблари, ушлаб қолишлари ва суммаларини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўтказиши. Акциядорларга дивидендлар Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида кўзда тутилган улардан ушлаб қолинган солиқлар суммасининг чиқариб ташланиши билан тўланади.

II. СИЁСАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1 Акциялар бўйича маълум бир барқарор даражада тўланувчи дивидендларнинг миқдорини ушлаб туриш Сиёсатнинг асосий тамойили ҳисобланади. Ўтказилаётган Сиёсат Банк акциялари бозор қийматининг керакли даражасини ошириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган.

2.2 Сиёсат қўйидаги тамойилларга асосланади:

а) дивидендларнинг тўловини амалга оширишда вақтинчалик чегараларни ўрнатувчи ўз вақтидалилик;

б) дивидендларнинг тўлови ва миқдори ҳақидаги қарор фақат Банк ривожланиш стратегияси ва унинг инвестициявий дастурини ҳисобга олган ҳолда Банк томонидан ижобий молиявий натижага эришилган ҳолатда қабул қилиниши мумкинлигини кўзда тутувчи асосланганлиги.

III. ДИВИДЕНДЛАРНИНГ МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ВА ТЎЛАШ ҲАҚИДА ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ (ЭЪЛОН ҚИЛИШ) ТАРТИБИ

3.1 Банк, агар бошқаси қонунчилик ва Банк устави билан ўрнатилмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижалари бўйича ва (ёки) молиявий йилнинг натижалари бўйича дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

3.2 Дивидендларни тўлаш (шу жумладан молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижалари бўйича ва (ёки) молиявий йилнинг натижалари бўйича), акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендларнинг миқдори, шакли ва уни тўлаш тартиби ҳақидаги қарор Банк Кузатув кенгаши тавсиялари, унинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган ҳолатда молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кузатув кенгаши тавсия этганидан кўп бўлиши мумкин эмас. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижалари бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарор (эълон қилиш) тегишли давр якунланганидан кейин уч ой давомида қабул қилиниши мумкин.

3.3 Акциядорларнинг умумий йиғилишига Банк Кузатув кенгашининг тавсиялари дивидендларни тўлашга йўналтирилаётган фойданинг умумий суммасини ўз ичига олиши керак.

3.4 Пул маблағлари билан акциядорларга тўланаётган тегишли давр учун дивидендларнинг миқдори, агар бошқаси қонунчилик, Банк устави ёки халқаро молия институтлари ва хорижий банклар олдида Банк қабул қилган ковенантлар (мажбуриятлар) билан ўрнатилмаган бўлса, тегишли давр учун тўланаётган дивидендлар умумий миқдорининг 50%дан ошмаслиги керак.

3.5 Дивидендлар Банк тасарруфида қолган банк тоза фойдаси, ва (ёки) аввалги йилларнинг тақсимланган фойдасидан тўланади.

3.6 Агар бунинг оқибатида Банк молиявий-хўжалик ҳолатининг жиддий ёмонлашуви бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив талаблари ва фаолият бўйича ички ўрнатилган лимитларнинг бажармаслик хавфи пайдо бўлса, дивидендларни тўлаш таъқиқланади.

3.7 Банк қуйидаги акциялар бўйича:

а) уни таъсис этишда Банк жами устав капитали тўлиқ тўланмагунча;

б) агар дивидендларни тўлаш пайтида банкротлик аломатлари мавжуд бўлса ёки дивидендларни тўлаш натижасида Банкда кўрсатилган аломатлар пайдо бўлса;

в) агар Банк тоза активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фондлари суммасидан кам бўлса;

г) Банк устави, қонунчилик ёки халқаро молия институтлари ва хорижий банклар олдида Банк қабул қилган ковенантлар (мажбуриятлар)да айтиб ўтилган бошқа ҳолатларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш (эълон қилиш)га ҳақли эмас.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда, шу жумладан акциядорларга дивидендлар тўловини тўхтатиш йўли билан Банкни молиявий соғломлаштириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилишини талаб қилишга ҳақли. Мазкур бандда кўрсатилган ҳолатларнинг тугатилиши бўйича Банк акциядорларга ҳисоблаб чиқарилган дивидендларни тўлаши (эълон қилиши) мумкин.

3.8 Банк тўланаётган дивидендларнинг миқдори ҳақидаги маълумотларни Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, банкнинг www.nbu.uz веб-сайтида, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат идораси сайтида ва оммавий ахборот воситаларида қонунчиликда ўрнатилган муддатларда чоп этади. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан солиқларни ҳисобга олишсиз эълон қилади.

IV. ДИВИДЕНДЛАРНИ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА ШАХСЛАР

4.1 Акциялар бўйича дивидендларни олишга акциядорларга дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинадиган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар ҳуқуққа эга.

4.2 Оддий акциялар бўйича ҳисоблаб чиқарилган дивидендларнинг Банк томонидан тўланиши дивидендларни олишга акциядорларнинг тенг ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

4.3 Дивидендларни тўлаш, акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивиденднинг миқдори, шакли ва уни тўлаш тартиби ҳақидаги қарор Банк Кузатув кенгаши тавсияси асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонида қабул қилинади.

4.4 Уч йил давомида эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёки меросхўри томонидан олинмаган дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича Банк тасарруфида қолади.

4.5 Банк айби бўйича дивидендлар тўланмаган ҳолатда дивидендларни тўлаш ҳақида акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ дивидендларни тўлаш тугаган кундан кейин келадиган кундан дивидендларнинг тўлиқ тўланиши санасигача Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича пеня ҳисоблаб чиқарилади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган пеня миқдори, агар бошқаси қонунчилик билан ўрнатилмаган бўлса, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.6 Акциядор Банк томонидан ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ва пеняларни суд тартибида тўланишини талаб қилишга ҳақли.

V. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1 Банк акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур. Дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорда дивидендларни тўлашнинг бошланиш ва

яқунланиш саналари кўрсатилади. Дивидендларни тўлаш муддати дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган кундан 60 (олтмиш) кундан кечикиши мумкин эмас.

5.2 Банк дивидендларни тўлаш муддати давомида исталган кунда дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятини ижро этишга ҳақли.

5.3 Битта акциядорга ҳисоблаб чиқарилган дивидендларнинг суммаси маълум бир турдаги битта акцияга тўғри келадиган дивидендларнинг суммасини ушбу турдаги акцияларнинг акциядорга тегишли сонини кўпайтириш йўли билан белгиланади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1 Мазкур сиёсат, шунингдек унга ўзгартиришлар ва/ёки тўлдиришлар Банк Кузатув кенгаши томони билан тасдиқланади.

6.2 Мазкур Сиёсат билан кўзда тутилмаган ҳолатларда Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилади.

Киритилди:

Банк стратегияси ривожланиш департаменти
директори

Алимов Б.

Келишилди:

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Тўлаганов К.

Таваккалчиликларни бошқариш бўйича департамент
директори

Цой И.

Ғазначилик департаменти
директори

Халитова А.

Корпоратив алоқалар ва инвестициялар бўйича
департамент директори в.б.

Яхьяев Ф.

Корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи

Юсупов Б.

Юридик хизмат департаменти
директор ўринбосари

Пўлатов Н.

Услубиёт бошқармаси
бошлиғи

Файзиев Т.